



## МАЙ ФАРЁДИ

Куйдилар май, келди садоси:  
«Эдим бир бош ажва хурмоси.

Вужудимни расо билдилар,  
Ўз танамдан жудо килдилар.

Чидамайин этгандим фиғон,  
Ўтга тутиб килдилар бийрон.

Кундузлари кайнардим тинмай,  
Кечалари мижжа хам кокмай.

Сўнгра олиб, зиндонбанд этиб,  
Жигар-бағрим титкилаб, эзиб.

Вужудимни пора этдилар,  
Ўзлигимдан жудо этдилар.

Бирдан колдим бутунлай тиниб,  
Кетдим гўё борликка сингиб.

Шунда жило айлади офтоб,  
Бўлдим бирдан ажойиб шароб.

Шундан буён иззат ичраман,  
Доим айшу ишрат ичраман.

Ошиқларга кўзгуман гўё,  
Маъшукасин кўрарлар танхо.

Мендан тотса ким, куйиб ёнар,  
Охир, хатто ўзидан тонар.

Унутар бор дарду гамларин,  
Ўйламас ҳеч кўпу камларин.

Шу сабабдан бўлдим кўлма-кўл,  
Висол арши учун танҳо йўл.

Ёр васлидан бахраманддирман,  
Харамиди аржуманддирман».

## КОСА САДОСИ

Тилга кириб косаси шу дам,  
Деди: «Айтаи сўзларим мен ҳам.

Асли наслим тупроқдан, билинг,  
Одам ёки япроқдан, билинг.

Мен эрурман кимларнинг боши,  
Нозанинларнинг калам қоши.

Подшоҳми ё ганий, олим,  
Ё гадоми, мазлумми, золим.

Менга йўқдир ҳеч бирин фарқи,  
Бир эмасми тупроқнинг нарҳи?!

Сўнгра бўлдим сув билан ошно,  
Ана шундан бошланди гавго.

Огирлашди вужудим бутун,  
Оғрик недир, англадим бу кун.

Отиб мени оёқ остига,  
Ўтдилар сўнг бости-бостиға.

Тепкилашди беармон, роса,  
Бўлсин дейиб мени чин коса.

Сўнгра уриб шакл бердилар,  
«Яхши босинг, пишсин», – дердилар.

Ундан олиб ўтга тутдилар,  
Чўгдек бўлмогимни кутдилар.

Вужудимда колмади губор,  
Кетди мендан олдин неки бор.

Таратдим, бас, жарангдор садо,  
Ишк ахлини айладим шайдо.

Кўринг, кандок соф бўлди жисмим,  
«Коса» дейиб кўйдилар исмим.

Шундан буён кўллар узраман,  
Касру айвон, шохлар ичраман.

Менда тўла мухаббат майи,  
Куйлар мени муганний найи.

Менсиз ўтмас шохларнинг базми,  
Шоирларнинг битмагай назми.

Ошиқларнинг кўлидадирман,  
Ёрнинг ўнгу сўлидадирман».

## **КЎЗА САДОСИ**

Бирдан кўза айлади нидо:  
«Мен ҳам деяй, колмайин танхо.

Тупрокдандир менинг ҳам жинсим,  
Коса асли менинг ҳамжинсим.

Оби хаёт устимдан куйиб,  
Ажратдилар аслимдан узиб.

Бундан бўлдим нолону гирён,  
Не киларлар, билмасдим ул он.

Неча кундир эркин кўйдилар,  
Кейин вужудимни ўйдилар.

Ерга уриб, тепкилаб, эзиб,  
Жигар-багрим поралар этиб.

Сўнгра мени колибга солиб,  
Ортик жойим ташлашди олиб,

Тутиб яна багрим ўйдилар,  
Ичимни бўш килиб кўйдилар.

Чикардилар кулогу кўзим,  
Танимасдим ўзимни ўзим.

Кейин олов ичра солдилар,  
Айтинг, қачон у кир колдирар?!

Кундузлари ёнардим тинмай,  
Кечалари мишжа ҳам қокмай.

Қолмади ҳеч хоҳишларим ҳам,  
Тамом бўлди нолишларим ҳам.

Эсиб бирдан ажойиб шамол,  
Вужудимда қолмади мажол.

Сокин бўлди бутун борлигим,  
Сезмай қолдим ўзим борлигим.

Топдим ажиб хусн ва зийнат,  
Шон-шарафу, бебаҳо қиймат.

Қўрдилар, бас, шаробга лойик,  
Тутдилар бош ўзра ҳалойик.

Доим шохлар билан суҳбатим,  
Базму ишрат ҳам маишатим.

Қасру бўстон масканим мудом,  
Менга майдан ўзгаси ҳаром.

Ўзгага йўқ, чунки, ҳожатим,  
Ҳожатим не, балки тоқатим.

Зотан, ул май ичим қиздирар,  
Тушса не ёт нарса, қуйдирар.

Барча фойда, лаззатим майдан,  
Қелмагай бу ўзга бир шайдан.

У туфайли ёр биландирман,  
Суҳбатидан баҳраманддирман.

Мадҳ этиб ёр мактайдим мудом,

Менга асли етар шу маком.

Лек, умидим, илтифот айлаб,  
Тонгла, «Эй, кел!», деб хитоб айлаб.

Базм этарда ўшал богида,  
Чорлагайдир висол чогида.

## **СОКИЙ САДОСИ**

1.

Алар сўзин тинглагач сокий,  
Деди: «Айтай каломи бокий.

Эй май, аввал сендан бошлайин,  
Кўзларингни, кел, бир ёшлайин.

Сен, танамдан ажралдим, дединг,  
Бил, ўшанда тугилган эдинг.

Айрилиқдан бўлгандинг гирён  
Бошланди, бас, сенга имтихон.

Хуруж килди илк нафси бад,  
Шайтон душман бўлди то абад.

Етди сенга хилма-хил озор,  
Сабр билан ютдинг сен хар бор.

Узлат этдинг боридан кочиб,  
Хакдан ўзга барчадан тониб.

Кетди жумла ўзга неки бор,  
Колмади ҳеч сенда кир, губор.

Карор топдинг сен шу холатда,  
Етди бир хол ушбу соатда.

Кучиб сени илохий севги,  
Бўлдинг соф, чин, хакикий севги.

Битди кулфат, топдинг шон-иззат,  
Хакнинг ёди сенга айш-ишрат.

Толибларга матлубсан мангу,  
Гўё тавхид нурига кўзгу.

Тушсанг агар кимнинг кўксига,  
Сендан ўзга сигмас кўнглига.

Туйиб сендан лаззат, халоват,  
Гўё ичмиш жаннатий шарбат.

Дунё гамин чекмас, кўнгли тўк,  
Бойлик етса-кетса, фарки йўк.

Еру кўкда хурмат не ажаб,  
Сенсан Хакка етмоққа сабаб.

Сенсиз Унга богланиб бўлмас,  
Боргохига кириб бўлмас.

Ким сен билан, бахраманд бўлгай,  
Даргахида аржуманд бўлгай.

Ушбу васфнинг мақсад ва гоё,  
Исминг магар холдан киноя.

2.  
Кел, эй коса, тингла сўзларим,  
Мен айтай, сен англа сўзларим.

Жисминг асли яралмиш ердан,  
Сўнгра келдинг кайсидир эрдан.

Бўлса кандок боиси жисминг,  
Ўзгармас ҳеч жисмингу исминг.

Зехн солиб, тафаккур килсанг,  
Бир хил зарра барчаси, билсанг.

Сўнг коришди жисмингга рухинг,  
Бошланди, бас, дарду шукухинг.

Жисминг сезиб огирлик шундан,  
Рухинг туйиб огрик шу кундан.

Тушдинг ерга, тортдинг азият,  
Лозим эрди сенга тарбият.

Устоз сени юмшатди олдин,  
Чунки жисминг асли сополдин.

Зохир этди барча зийнатинг,  
Кетказди хам ёмон хислатинг.

Максад эрди буткул ростламок,  
Ирфон учун сени хосламок.

Солиб сенга мухаббат ўтин,  
«Ўзга»ларни куйдирди бутун.

Колмай губор, бўлдинг мусаффо,  
Топди хатто ўзлигинг фано.

Кўриб сени, юракми, дерлар,  
Рухинг эса кўнгилдан асар.

Титрар сенинг нолангдан жахон,  
Айлар сен-ла ошиқлар фиғон.

Топдинг иззат еру осмонда,  
Жаннат ахли ичра ризвонда.

Сен ўзингсан мухаббат ўрни,  
Бу оламда маърифат ўрни.

Ошиқка йўқ сенсиз ўзлиги,  
Шоирларга кайда сўзлиги?!

Файзу илм қароргоҳисан,  
Чунки, Хакнинг назаргоҳисан.

Ёдидан ҳеч тўхтамас лабинг,  
Розилиги эрур матлабинг.

Коса сенинг мажозий отинг,  
Юрак-кўнгил хақиқий зотинг.

Сен каби чун солиқнинг дили,  
Дил эса бу – вужуд қандили.

3.  
Энди навбат сенга, эй кўзам,  
Сўзларимдир сен учун малхам.

Билки, отанг ердан яралмиш,  
Кўкси, «юрак» дея аталмиш.

Сен эурсан унинг наслидан,  
Кандай тонар насл аслидан?!

Пуфланди рух жонсиз танангга,  
Кадам кўйдинг она ватанга.

Ўтмишингдан ажраб йиглардинг,  
Келажагинг кайдан билардинг?!

Гўдаклигинг ўтгач бегубор,  
Бошланди гам-ташвишу озор.

Нафсинг сени кийнарни кайнаб,  
Килар эди неларни талаб.

Кайтарарди ундан виждонинг,  
Ўйлаки, ул тугма иймонинг.

Учради бир муганний сенга,  
Яъники, бир мураббий сенга.

Кийнаб эзди нафси балойинг,  
Синдирди хам кибру хавойинг.

Бериб гўзал ахлокий шакл,  
Кетказди не бўлса ноасл.

Хамда сенинг кўксингни очиб,  
Дунё ишкин ташлади олиб.

Очди калбинг кулогу кўзин,  
Англагайсан токи Хак сўзин.

Булар бори дарак билимдан,  
Мукаддамдир одоб илмдан.

Кўйган эдинг илмга кадам,  
Топди барча губоринг адам.

Битди ўйин ва рохатларинг,  
Ўйку бўлди ибодатларинг.

Тамом бўлди хавойи нафсинг,  
Бўлди ризо кояси хасминг.

Хотиржамлик, сокинлик топдинг,



Фано ичра сокинлик топдинг.

Хакдан етди тажаллий сенга,  
Насиб этди таваллий сенга.

Илм билан бўлдинг музайян,  
Олимга йўк киймат муайян.

Хак ишкига бўлдинг муносиб,  
Инсу малак хайлига голиб.

Хамсухбатинг ахли маърифат,  
Хак ёдидир сенга айш-ишрат.

Жойинг илму зикр халкаси,  
Сенга харом ишкдан бошкаси.

Бошқадан чун сенга не хожат,  
Ўзга севги келтирар кулфат.

Хакнинг ишки ўртатар дилни,  
Васфи ожиз колдирар тилни.

Лаззати тан, жонингни камрар,  
Барча гамлардан халос айлар.

Ундан ўзни ажратолмассан,  
Боисин, лекин, билолмассан.

Ёди Хакка неки зид келмиш,  
Дилдан ани ишк даф этмиш.

Доимо Хак ёди бирлансан,  
Хам Каломин зикри бирлансан.

Кўкда ёд айлар сени Аллох,  
Ўзга халкка кайдадир бу жох?!

Лек, умидинг, тонгла лутф айлаб,  
«Иржиъий» бирлан сени чорлаб.

Жаннатида аржуманд этгай,  
Хам Юзидан бахраманд этгай.

Ушбу холинг англаб илм ахли,  
На илм, бил, илму билм ахли.

Айламишлар тасбех кўзага,  
Кадрингни жавхар ферузага.

Хак йўлида соликсан асли,  
Англамас, лек, буни жахл ахли.

Сен билан бор калбу мухаббат,  
Бўлмаса дил, сенда йўк журъат.

Лек бўлмаса мухаббат агар,  
Иккинги хам оддий лой магар.

Гар десангиз: «Кимсан сен ўзинг?  
Пурмаъно хам рохатбахш сўзинг!».

Исмим Муршид, лакабим Сокий,  
Барча фоний, магар, Хак бокий.

Сизга хакни етказдим тамом,  
Сўзим битди энди, вассалом.

**Хасанхон Яхё Абдулмажид**